



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 7 » dekabr

№ 649

Toshkent sh.

### **Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилмаганлиги учун ҳуқуқий таъсир чоралари кучайтирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида” 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда биохилма–хилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг, айниқса, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган турларининг барқарор яшаш шароитларини таъминлаш ҳамда уларни сақлаб қолиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига ҳамда халқаро Қизил китобга киритилган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ноқонуний муносабатда бўлиш оқибатида етказилган зарарни ундириш миқдорларини қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПФ–81-сон Фармони ҳамда “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ–171-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПФ–81-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонларнинг ноқонуний овланиши оқибатида ҳайвонот дунёсига етказилган зарар учун ундириш суммаларини 10 бараварга ҳамда ўсимликларни ўсишдан тўхташ даражасигача шикастлантириш ёки йўқ қилиш билан уларга етказилган зарар учун ундириш суммаларини 5 бараварга ошириш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида” 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарорига иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилсин:

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ўсимликларга етказилган зарарни ундириш миқдорини ҳисоблаш учун коэффициентларни беш бараварга;

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш тартибининг бузилиши сабабли етказилган зарар ҳажмини ҳисоблаш учун тўловлар миқдорларини ўн бараварга ошириш.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил \_\_ декабрдаги \_\_-сон қарорига  
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида” 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга 19-иловининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ўсимликларга етказилган ундириладиган зарар миқдорини ҳисоблаш учун  
КОЭФФИЦИЕНТ**

Тоифасига кўра битта ўсимлик учун	Ундириладиган зарар миқдори, белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан коэффициентларда (битта ўсимлик учун)
1 – йўқолиб кетаётган	10
2 – камёб	4
3 – камаяётган	2,5

2. Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга 14-иловада:

“Сут эмизувчилар” бўлимида:

“Қизил китобга киритилганлар” кичик бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилганлар		
Қоплон, тарғил сиртлон (Дўлта), илвирс (қор қоплони)	3 000	400 000
Бурама шохли эчки (морхўр)	2 000	300 000
Ўрта Осиё қундузи, Туркистон силовсини, қорақулок, асалхўр, Бухоро буғуси (хонгул)	1 500	250 000
Қизилқум архари (Северцов қўйи), Тянь-Шань тоғ қўйи, Устюрт қўйи, Бухоро тоғ қўйи, Тянь-Шань кўнғир айиғи	1 000	200 000
Сайғоқ, жайрон, мензбир суғури	500	50 000
Манул (ёввойи мушук), сахро мушуги, қарсок, сарик сассиққузан, олақўзан	200	20 000

халқаро Қизил китобга ёки Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган сут эмизувчиларнинг бошқа турлари	100	10 000
---	-----	--------

”;

“Бошқа турлар” кичик бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Қизил бўри	20	2000
Тоғ эчкиси, тўнғиз	15	1500
Елик (буғу)	10	1200
Тоғ сувсари, қоракўзан (норка), қизил суғур, оқсувсар, олакўзан, тулки, корсак, чиябўри, нутрия, ёввойи мушуклар, сариқ сассиққузан, ондатра, латча	5	800
Бўри	–	200
Бўрсик, жайра	2	400
Қуён	1	200
Типратикан, кўршапалак, ўрмон соняси	0,5	100
Ўрмон, қишлоқ ва овчилик хўжалиги зараркунандаларига, хавfli инфекцияларни тарқатувчиларга кирмайдиган бошқа сут эмизувчилар	0,3	50
Сайғоқ, кийик, жайрон, буғу, эчки, кўчқор шохлари	бир жуфт шох ва жуфт бўлмаганҳар бир алоҳида шох мазкур ҳайвоннинг биттасига мувофиқ келади	
Мўйна буюмлар	мазкур буюмдаги терилар сони бўйича	
Айиқ ёғи (100 г учун)	1	250
Бўрсик, суғур, жайра ёғи (100 г учун)	0,25	200
Айиқ сафроси (хомашё ҳолида 1 г учун)	1	200

”;

“Қушлар” бўлимининг “Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилганлар” кичик бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Маллабош лочин (шахин), итолғи, лочин (сапсан)	1 500	150 000
Тўхта тувалоқ (дудак), йўрға тувалоқ	1 000	100 000
Вишилдоқ ва қийқирдоқ оққушлар, соқақушлар, кумой, қора лайлак, сувқийғир (скопа), кичик бургут, қиронқора, чўл бургути, болтаютар, бургут, қирғий бургут, илонхўр бургут, узун думли ва оқ думли сувбургутлари, катта олачипор бургут, оқбош ўрдак, қошиқбурун, кичик оққўтон, сариқ қўтон, қизилтомоқ ғоз, қизилғоз (фламинго), оқ пешанали кичик ғоз, бизғалдоқ, оқ турна	500	50 000

Оқ лайлак, оққўз (ола қанотли ўрдак), мрамр чуррак, қоравой, Зарафшон қирғовули, оқбовур, қорабузов, қора кабутар, оддий гуррак, тасқара, чўл бўктаргиси, чўл миққийси, қорабош балиқчи, чўл жиқтоғи, тарғоқ, кичик узунбурун (ингичка тумшукли балиқчи), Осиё моки лойхўраги, оқбовур	100	30 000
Кушларнинг тухумлари (бир дона тухум учун)	Мазкур турдаги кушларни ноқонуний овлангани учун етказилган зарарнинг 40 фоизи	
халқаро Қизил китобга киритилган ёки Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган кушларнинг бошқа турлари	100	20 000

“Судралиб юривчилар” бўлимининг “Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилганлар” кичик бўлими қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Капча илон (кобра)	200	30 000
Бўз эчкемар	100	20 000
Ўрта Осиё чўл тошбақаси	10	1 000
Судралиб юривчиларнинг тухумлари (бир дона тухум учун)	Мазкур турдаги судралиб юривчиларни ноқонуний овлангани учун етказилган зарарнинг 40 фоизи	
халқаро Қизил китобга киритилган ёки Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган судралиб юривчиларнинг бошқа турлари	30	2 500

“Балиқлар” бўлимининг “Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилганлар” кичик бўлими қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Орол мўйлабдори (сўзанбалиқ), Орол бахриси (бабра), Сирдарё куракбуруни, Амударё кичик куракбуруни ва Амударё катта куракбуруни, Орол сулаймонбалиғи, чўртансифат оққайроқ, Амударё гулбалиғи	100	5 000
халқаро Қизил китобга ёки Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган балиқларнинг бошқа турлари	70	3 000

“Умуртқасиз жониворлар” бўлими қуйидаги тахрирда баён этилсин:

халқаро Қизил китобга ёки Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган умуртқасиз жониворлар		2 000
---	--	-------

